Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам жунуб бўлгач ғусл олсалар, аввал икки қўлларини ювар эдилар. Намозга таҳорат олгандай таҳорат олганларидан сўнг ғусл олар эдилар

Мўминларнинг онаси Оиша разияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам жунуб бўлгач ғусл олсалар, аввал икки қўлларини ювар эдилар. Намозга таҳорат олгандай таҳорат олганларидан сўнг ғусл олар эдилар. Сўнгра қўлларини сочлари орасига киргизар, сув терига текканига ишонч қабул қилгач устидан уч марта сув қуяр эдилар. Сўнгра жасадларини қолган қисмини ювар эдилар. Ва яна қўшимча қилиб: «Мен ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам битта идишда ювиниб, бирга қўл чўмар эдик», – дедилар.
[Саҳиҳ] [Имом Бухорий ривояти]

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам жаноботдан ғусл олаётганларида икки қўлларини ювишдан бошлар эдилар. Сўнгра намозга таҳорат қилгандай таҳорат қилар, икки қўлларини сув соч тагига етиб, терига текканига ишонч ҳосил қилгунча ишқалар эдилар. Баданларига уч маротаба сув қуйиб, жасадларининг қолган қисмини ювар эдилар. Оиша разияллоҳу анҳо: «Мен ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам битта идишда ювиниб, иккаламиз ҳам унга қўл чўмар эдик», – дедилар.

http://www.sunnah.global/hadeeth/uz/show/3316